O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI
TOMDI TUMANI
HOKIMINING

Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

Р Е Ш Е Н И Е
ХОКИМА
ТАМДЫНСКОГО РАЙОНА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Янги Томди қ. **№ Қ–602** **« 2 » 10. 2017 йил**

Томди туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2018 йил учун банд қилиб қўйиш туғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й. 29-30-сон., 277-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида”ги ПҚ-616-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й. 15-сон, 156-модда), Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қуйиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 186-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 34-сон, 333-модда) асосан иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги йигирма нафардан ортиқ ишловчи ходимлари мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимларнинг рўйхати бўйича ўртача сонидан 34 кишини ташкил этадиган 4 фоиз миқдорида, шу жумладан:

ёлғиз ота, ёлғиз она ҳамда 14 ёшгача ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун 14.7 фоиз (5 киши);

ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасаларини ва олий ўқув юртларини бюджет асосида тугатган ёшлар учун 70.5 фоиз (24 киши);

ногиронлар учун 5.8 фоиз (2 киши);

бандликка кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолганлар учун 2.9 фоиз (1 киши);

бошқа тоифалар учун, жумладан:

кичик ёшли болалари бўлган ишламаётган аёллар учун 5.8 фоиз (2 киши) миқдорида иш ўринлари заҳираси белгилансин ва тумандаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар кесимида иловадаги жадвал асосида тасдиқлансин.

2. Туман корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш жойларининг кўрсатиб ўтилган миқдорини Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қуйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ белгиланган муддатларда ва тартибда яратилишини (ажратилишини ёки банд этиб қуйилишини) таъминлаш;

иш жойлари санитария-гигиена нормаларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини бемалол бажаришни таъминлайдиган меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминлаш;

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2017 йил якунланишидан 10 кун олдин квота иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2018 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларнинг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратган ёки банд қилиб қўйиш) туғрисидаги, яъни ҳар бир квота тойфаси бўйича иш ўринлари банд қилиб қуйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва буйруқ нусхаларини туман Бандликка кўмаклашиш марказига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш туғрисида"ги Қонуни 18-моддаси 3-қисмига асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини яратишга доир қарорларини бажармаганлик учун, шунингдек аввал талабнома берилган, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим олган ёки касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва малакасини оширишга юборилган шахсларни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда, корхоналар,

муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 15-бандига асосан, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш бўйича қарорини бажармаганлик учун жаримани тўлаганлик ташкилотни банд қилиб қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонини ташкил этишдан озод қилинмайди.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини туман ҳокими томонидан белгиланган миқдорда ортиқча ташкил этган ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканлигини инобатга олинсин.

6. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (А.Ешжанов) бир ҳафта муддатда мазкур қарорни иловасида кўрсатилган корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига етказиш ҳамда ушбу қарорнинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш ва ҳар чорак якуни билан амалга оширилган ишлар юзасидан туман ҳокимлигига маълумот тақдим этиб бориш юклатилсин.

7. Туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи (Баянасов) ва "Тамды шаруагері" газетаси таҳририяти (Абдисаматов) мазкур қарорни туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини ва расман эълон қилинишини таъминласинлар.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Саденов зиммасига юклатилсин.

9. Мазкур қарор расмий нашрда эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **Қ.Алдабергенов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAVOIY VILOYATI TOMDI TUMANI HOKIMLIGI KANSELYARIYA

Туман ҳокимининг
2017 йил “ 2 ” октябрдаги
Қ-602–сонли қарорига
илова

Томди туманида 2018 йилда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш ҳолати туғрисида

№	Топшириқ берилган корхоналар номи	Умумий ишлов-чилар сони	2018 йил учун жами банд қилинган иш ўринлари	Шу жумладан									
				ёлғиз ота, ёлғиз она ҳамда 14 ёшгача ногирон болалари бор кўпболалиота-оналар	Ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ва олий ўқув юртларини бюджет асосида тугатган ёшлар	Муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар	ногиронлар	Бандликка кўмкаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида хисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолганлар	жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралари кўрилган шахслар учун	Бошқа тоифалар		Одам савдосидан жабрланганларни иш билан таъминлаш	Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари
										Сафарбарлик чақируви захирасига киритилганлар	кичик ёшли болалари бўлган ишламаётган аёллар		
1	Томди тумани ЙХТПТФДК	90	4	1	2	0	1	0	0	0	0	0	0
2	Томди тумани Тиббиёт бирлашмаси	311	15	2	9	0	1	1	0	0	2	0	0
3	Томди тумани 25-сонли мактаб	38	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0
4	Томди тумани 21-сонли мактаб	33	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0

5	Томди тумани 4-сонли мактаб	27	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0
6	Томди тумани 6-сонли мактаб	29	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0
7	Томди тумани 1-сонли мактаб	36	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0
8	Томди тумани ДСЭНМ	29	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0
9	Томди Агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи	46	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0
10	Томди тумани 1-сонли МТМ	55	2	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
11	Томди тумани Ўрмон хўжалиги бўлими	45	2	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
12	Томди тумани 5-сонли мактаб	23	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0
13	Томди тумани 10-сонли мактаб	25	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0
14	Томди Ободонлаштириш бошқармаси	38	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0
15	Томди тумани 18-сонли мактаб	28	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0
Томди тумани бўйича жами:		**853**	**34**	**5**	**24**	**0**	**2**	**1**	**0**	**0**	**2**	**0**	**0**

Томди тумани БК маркази директори **А.Ешжанов**